



## ATTITUDE TO THE ISSUE OF PERSONNEL IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM (IN THE EXAMPLE OF THE 20-30S OF THE 20TH CENTURY)

**Jummagul Abdurakhmanova**

*Candidate of history, associate professor*

*Tashkent Institute of Economics and Pedagogy*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Soviet power, educational system, communist ideology, "cultural revolution", sovietization of educational system, personnel problem

**Received:** 14.01.24

**Accepted:** 16.01.25

**Published:** 18.01.25

**Abstract:** This article deals with the situation in the higher education system in Uzbekistan in the 20-30s of the 20th century, the question of personnel, the attitude of the Soviet authorities to the national personnel, and the issues of the ideological influence of the Soviets on the higher education system based on the communist ideology.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР МАСАЛАСИГА МУНОСАБАТ (ХХ АСР 20-30 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

**Жуммагул Абдурахманова**

*Тарих фандари номзоди, доцент*

*Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Совет ҳокимияти, таълим тизими, коммунистик мафкура, "маданий инқилоб", таълим тизимини советлаштириш, кадрлар масааласи.

**Аннотация:** Ушбу мақолада XX аср 20–30 йилларида Ўзбекистонда олий таълим тизимидаги ҳолат, кадрлар масаласи, миллий кадрларга совет ҳокимиятининг муносабати, коммунистик мафкура асосида советлар олий таълим тизимига ҳам мафкуравий таъсирини ўтказиб борганилиги масалалари ўрин олган.

## ОТНОШЕНИЕ К КАДРОВОМУ ВОПРОСУ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ 20-30-Х ГОДОВ ХХ ВЕКА)

**Джуммагуль Абдурахманова**

*Кандидат исторических наук, доцент*

*Ташкентский институт экономики и педагогики*

*Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Советская власть, система образования, коммунистическая идеология, «культурная революция», советизация системы образования, кадровые вопросы.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается положение системы высшего образования в Узбекистане в 20-30-е годы 20 века, кадровый вопрос, отношение советской власти к национальным кадрам, а также вопросы идеологического влияния Советов на систему высшего образования, основанная на коммунистической идеологии.

### КИРИШ

Ҳар бир давр маданияти, илм–фани, таълим тизими ҳақида фикр юритилганда, энг аввало ўша жамиятда илм-фан, адабиёт, санъат, маданият ва таълим тизимига муносабатдан келиб чиқиб таҳлил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ҳар бир тарихий даврда илм-фан, маданият ва таълим тизимига муносабат ҳар хил бўлган. Ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмларидан бири бўлган таълим тизими жамият тараққиётининг ҳар қайси даврида ўзига хос тарзда яратилади. Бинобарин, биз яқин ўтмишнинг, яъни совет ҳукумати ҳукмонлиги даври XX асрнинг 20–30 йилларига назар ташласак, бу давр ўзининг мураккаблиги ва зиддиятлиги билан ажralиб туради.

Мазкур йилларда коммунистик мафкура асосида компартия ўзининг сиёсатини ҳаётга тадбиқ қилиш учун “шаклан миллий, мазмунан социалистик” гояни тарғиб қилувчи “маданий инқилоб” тадбирларини ишлаб чиқди ва уни шошилинч тарзда амалга оширишга киришди. Жамият ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги бўлган таълим тизимида ҳам мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларданоқ маданият, таълим соҳасида ҳукмон давлат мафкурасига мос ўзгаришларни амалга оширишга киришилди.

1924 йилда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий–худудий чегараланиш натижасида ЎзССР ташкил этилгач, республикада 1920 йилларнинг иккинчи ярми – 1930 йиллар совет ҳокимияти учун ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқенини янада мустаҳкамлаш даври бўлди. Большевиклар мутлоқ якка ҳоким партияга айлангач жамият ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Айниса, таълим тизимида бу жараён жиддий тус олди. Асосий эътибор янги совет кадрларини шакллантириш борасидаги ишларга қаратилди. Миллий зиёлилар маънан ва жисмонан йўқ қилинди. Уларга нисбатан қувғин ва қатағонниклар авж олдирилди.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон таълим тизимининг тарихи, ўз навбатида олий таълим тизими тарихи ижтимоий–сиёсий ҳаётнинг муҳим бир тармоғи сифатида кўплаб соҳа олимлари ҳамда

тадқиқотчиларининг эътиборини ўзига тортиб келган. Мазкур мавзу бўйича адабиётлар ҳамда тадқиқотларни қўйидаги гурухларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Совет даврида Ўзбекистонда таълим соҳасига бағишлиланган адабиётлар;
2. Мустақиллик даврида таълим соҳаси бўйича олиб борилган тадқиқот, рисола ва асарлар.

Совет даврида Ўзбекистонда таълим масалаларига доир олиб борилган тадқиқотлар, чоп этилган адабиётларнинг алоҳида ажралиб турадиган хусусияти шундаки, уларнинг аксарияти кучли мафкуравий тазийк ва коммунистик ғоя таъсири остида яратилган бўлиб, уларда амалга оширилган барча ишлар "октябрь инқилоби" нинг маҳсули сифатида баҳоланганди. Гарчи бу адабиётларда илк бор архив хужжатларидан фойдаланилганига қарамай, улардан хукмрон партия манфаатини кўзловчи хulosалар чиқарилади.

Ушбу давр Ўзбекистон таълим тизимига оид адабиётларга П.И. Сербов, Қори Ниёзий, С.Ражабов, И.Қодиров, М.Очилов, Р.Шарофиддинов, Ф.Орипов, Н.Иноятов, М.Иргашев, Р.Аъзамова, Ф.Шарипов, Р.Мавлонова, С.Содиков ва бошқаларнинг асарларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ушбу асарларнинг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар таълим тизимини ёритар эканлар асосан мактаблар, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари ва улардаги ўқувчилар, талабалар сониниг ўсишини Республика миқёсида умумлаштириб ёритиб берганлар. Бундан ташқари, Совет даврида яратилган асарларда ўша даврда хукмрон бўлган коммунистик мафкура талабларидан келиб чикдан ҳолда таълим соҳасидаги ўзгаришларда коммунистик партиянинг роли алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу тадқиқотларнинг аксариятида кўплаб фактик материаллар, қимматли манбалар мавжуд бўлиб, бу хужжатлар истеъмолга киритилсада, асосий эътибор Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг фаолияти ҳамда тарихий жараёнлар фақат бир томонлама ёритилган.

Истиқлолга эришгандан кейин чуқур мулоҳаза билан холисона фикр юритиш шароити вужудга келди.

Мустақиллик даврида совет тузуми йилларидаги таълим тизими масаласини холисона ёритган илмий–тадқиқот ишлари юзага келди. Хусусан, И.Турсунов, А.Чориев, И.Шамсиева, Н.Мустафаева, М.Тўраева, Ф.Эргашев, А.Обидов, Р.Сиддиқов, Б.Қосимов, Ж.Йўлдошев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида эътиборга олиш муҳимдир.

Мазкур тадқиқотларда совет тузуми даврида таълим тизими, педагогик кадрлар тайёрлашдаги, мактаб ва ўрта маҳсус билим юртларини ташкил этишдаги муаммолар талқин этилган ҳамда янгича талқинда таълим соҳаси ўрганилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XX аср 20–30 йилларида Ўзбекистонда олий маълумотли педагогик кадрлар ҳамда олий таълим тизимидағи миллий кадрлар масаласи энг зиддиятли ҳолатлардан бири бўлган. Олий таълим муассасалари асосан пойтахт шаҳарларда ташкил этилган бўлиб, вилоятларда мазкур йилларда умуман олий таълим муассасаларини ташкил килиш масааласига эътибор қаратилмаган. Вилоятларда олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий ўкув юртларидан фақат Самарқандда Ўзбекистон Давлат университети фаолият юриттан бўлиб, бошқа вилоягларда педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий ўкув юртлари умуман ташкил этилмаган эди. Республика вилоятларида асосан педагогика техникуми ва курслари ташкил этилган эди, холос. Бундан ташқари мавжуд олий таълим муассасаларида таълим берадиган етук мутахассислар деярли етишмас эди.

Вилоятлардаги мавжуд олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг аксарият қисмини қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлайдиган ўкув юртлари ташкил этарди. Масалан биргина Самарқанд вилоятидаги 6 та олий таълим муассасасининг 3 таси, 20 та ўрта маҳсус билим юртининг 5 таси қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга ихтиссослашган эди[1].

Совет ҳокимияти Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун социализм ҳоялари билан суғорилган кадрларни етиштириш учун олий таълим муассасаларининг сони кўпайтириб боришга эътибор қаратса бошлади.

1924–1925 ўкув йилида Ўзбекистонда 2 олий ўкув юрти мавжуд бўлган бўлса, 1940–1941 ўкув йилига келиб республикадаги олий ўкув юртлари сони 30 тага етди[2].

Мавжуд мазкур ўкув даргоҳларидағи профессор–ўқитувчилар ҳамда талабалар таркибида маҳаллий миллат вакиллари озчиликни ташкил қиласа эди. Биргина Самарқанд Педагогика Академиясининг 1932 йилдаги ҳолати билан танишиб чиқсан, ушбу таълим муассасасида фаолият олиб бораётган 16 та профессордан 3 нафари, 42 та доцентнинг 13 таси, 42 та асистентнинг 10 нафари маҳаллий миллат вакилларидан эди[3]. Нафақат профессор–ўқитувчилар олийгоҳда таҳсил олаётган талабалар таркибида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Масалан шу олийгоҳда ўқиётган 315 нафар талабанинг 73 нафаригина маҳаллий миллат вакилларидан эди[4]. Бундан ташқари мазкур олийгоҳда фаолият олиб бораётган профессор–ўқитувчиларнинг 80–90 фоизи ўзбек тилини умуман билишмас эди.

Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларнинг аксариятини СССР тарихи яъни Россия халқлари тарихи, большевизм ва коммунистик партия тарихи каби фанлар ташкил қилган эди.

Ижтимоий ҳаётда шиддатли зиддиятлар ҳукм сурган мустабид тузумнинг оғир шароитлари даврида баркамол зиёлиларимиз бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда таълим тизимида жонбозлик кўрсатишга харакат қилдилар. Лекин, бу ҳол мавжуд тузум

томонидан партиянинг йўл – йўриқларидан четга чиқиши “аксилинқилобий” ҳаракат деб баҳоланиб, маҳаллий миллат вакиллари орасидан чиққан зиёлиларга нисбатан тазийқ кучайтирилиб, улар қатағон қилиниб борилди.

Ўзбекистонда 1920 йилларнинг иккинчи ярми ва 1930 йилларда юзага келган қатағонлик сиёсати ўз навбатида таълим тизимиغا шу жумладан олий таълимга катта таъсир кўрсатиб, маҳаллий зиёли кадрлар етиштириш муаммоси энг долзарб масалалардан бирига айланиб қолган эди.

Олий таълим тизимида кадолар муаммосининг келишининг яна бир сабабларидан бири, айниқса, олий таълим тизимини “синфий душман”дан тозалаш, таълим ходимларини пролетарлаштариш каби советлар томонидан олиб борилган сиёсати эди.

Советларнинг маъмурий – буйруқбозлик тузуми, ўша даврдаги мураккаб сиёсий вазиятолий таълим тизимида ҳам ўзининг салбий изини қолдирди.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон худуди азалдан илм-маърифатли, зиёли инсонлар макони бўлиб келган. Қадим–қадим даврлардан ушбу заминда дунёга донғи кетган мадраса, мактаб ва дорилфунунлар бўлган. Буюк мутафаккир олимлар, фозилу–фузалоларимиз жаҳон фани ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшиб келганлар.

XX аср 20–30 йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ташкил этилиб, ахолининг маълум бир қисми ушбу таълим муассасаларига жалб қилинган бўлсада, лекин, таълим тизимининг барча бўғинларида бир қатор жиддий нуқсонлар мавжуд эди. Энг аввало, совет таълим тизимида билим олувчиларнинг миллий хусусиятларига, уларнинг маънавиятини аждодларимиз маънавий мероси асосида шакллантиришга эътибор берилмади.

Таълим мазмунини белгилашда, таълим тизимида иш олиб боришда, ўқитишида совет мафкураси нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилди.

Ўзбекистонда бугунги кунда янгича ёндашувлар асосида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар натижасида таълим тизимида янги давр бошланди. Юртимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади юртимизда соғлом, баркамол, билимли ва юксак маънавий–аҳлоқий фазилатларга эга бўлган ёш авлодни тарбиялашдан иборатдир.

## REFERENCES

- [1]. Абдурахманова Жуммагул Номазовна XX аср 20-30 йилларида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари таълим тизимидағи ҳолат. // Маданият чорраҳалари. № 4, 2 жилд. 2020. 36-41 бетлар.

[2]. Жуммагул Номазовна Абдурахманова. Ж.Н. XX аср 20–йилларида эски усул мактабларига бўлган муносабат. // Academic Research in Educational Sciences. Volume 1. issue 3. 2020. P.1165-1169.

[3]. Абдурахманова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати ( Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида. 1925–1941 йй). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2002. 30-бет.

[4]. Самарқанд вилоят давлат архиви, 521–жамғарма, 1–рўйхат, 1–иш, 82–варақ.